

## ПОДШАОТАСОЙ ДАРЁСИ ҲАВЗАСИДАГИ СУВ ИСТЕЪМОЛИНИ БАҲОЛАШ

Подшаотасой дарёсининг суви вегетация даврида Сирдарё дарёсигача етиб бормаиди ва дарё суви бутунлай суғоришга ишлатилади. Подшаотасой дарёси орқали жами 27,8 минг га майдон, яъни Янгиқўрғон туманининг 19,0 минг га, Чортоқ туманининг 5,0 минг га ва Қирғизистон Республикасининг эса 3,8 минг га майдони суғорилади. Дарё суви оқимини қайта ростлаш учун Эскиер, Заркент, Қорамурт сув омборлари ҳамда Ўланбулоқ, Қандиён ва Қизсой сел омборлари каби сув ва сел омборлари ташкил этилган. Бу сув ва сел омборлари дарёнинг новегиетация даврида оқадиган сув оқими ва сел сувларини йиғиб вегетация даврида суғориш учун етказиб беришга хизмат қилади. Бунда суғориш мавсумида юзага келадиган сув тақчиллиги юмшатилишига эришилади. Заркент сув омбори қурилишини асослашда (дойихалашда) Подшаотасой дарёсининг 75 % ли таъминланганликдаги оқим миқдори қабул қилинган. Умумий оқим миқдори 166,5 млн.м<sup>3</sup>, шундан новегиетация даври (15.09-1.05) да 47,10 млн.м<sup>3</sup>, вегетация даврида эса 119,4 млн.м<sup>3</sup> ни ташкил этганлиги, сув омборини тўлдириш ва бўшатиш даврида фильтрация ҳамда бўғланишга 2,0 млн.м<sup>3</sup> сув йўқотилиши келтирилган. Нагигада новегиетация давридаги 47,10 млн.м<sup>3</sup> оқим миқдоридан сув омборини тўлдириш учун 30,0 млн.м<sup>3</sup> ни йиғишлиги ва вегетация даврида ишлатиш мумкинлиги айтиб ўтилган.

Ҳозирги кунда Подшаотасой дарёсининг 75 % ли таъминланганликдаги умумий оқим миқдори 149,6 млн.м<sup>3</sup> ни, шундан новегиетация даврида 24,22 млн.м<sup>3</sup>, вегетация даврида эса 125,41 млн.м<sup>3</sup> ни ташкил этади. Олиб борилган тадқиқотлар таҳлилларининг кўрсатишича дарё ҳавзасида йилнинг июн-октябр ойларида сув тақчиллиги кузатилиши ва йилнинг қолган давларида эса дарёдаги сув оқимининг етишмаслиги сезилмаслиги, аксинча 10-15 млн.м<sup>3</sup> миқдордаги сувни бемалол сув омборларига йиғса бўлишлигини такидлаб ўтиш мумкин. Подшаотасой дарёси ҳавзасидаги сув ресурслари умумий миқдорларининг ўзгаришларини баҳолаш учун дарё сув оқими, булоқлар сувлари, ер ости сувлари ва Катта Наманган каналдан насослар ёрдамида етказиб бериладиган сувлар, ёгин сувлари маълумотлари тўпланиб, таҳлил қилиб чиқилди. Умумий сув миқдорини турли даражадаги таъминланганлик кўрсаткичлари ва истеъмолчиларнинг умумий сув истеъмоли миқдорлари ҳисобланди. Подшаотасой дарёси ҳавзасидаги мавжуд сув ресурсларини турли даражадаги таъминланганлик кўрсаткичларини дарё ҳавзасидаги умумий сув истеъмоли миқдорлари билан солиштириш асосида дарё ҳавзасининг сув ҳўжалиги баланси тузиб чиқилди